МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИНГ БАНДЛИК МУАММОСИ. ИШСИЗЛАРНИ ҲАМДА КАМБАҒАЛЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.

Расулова Шарифа Ғайбуллаевна
ЖизПИ., Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти
Сунатов Хусан Намоз ўғли
ЖизПИ., Қурилиш мухандислиги факультети талабаси

Аннотация

Мақолада бандлик сиёсати, ишсизлик тушунчаси, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ёритилган.

Калит сўзлар: аҳоли, бандлик, меҳнат бозори, ишсизлик, микроиқтисодиёт, ялпи миллий маҳсулот, меҳнат ресурслари, кадрлар.

Аннотация

В статье освещается политика занятости, понятие безработицы, проводимые реформы по обеспечению занятости населения.

Ключевые слова: население, занятость, рынок труда, безработица, микроэкономика, валовой национальный продукт, трудовые ресурсы, персонал.

Annotation

The article covers employment policy, the concept of unemployment, reforms in ensuring employment of the population.

Keywords: population, employment, labor market, unemployment, microeconomics, gross national product, labor resources, personnel.

Жамият аъзоларининг эҳтиёжлари юксалиб борар экан, ана шу эҳтиёжларни қондиришнинг ягона йўли иқтисодий ўсишдир. Иқтисодий ўсиш туфайлигина ижтимоий тараққиётга эришилади. Иқтисодий ўсиш мамлакатнинг куч-қудрати ўсаётганини кўрсатади. Микроиқтисодий ўсиш фирма, корхона ва айрим сектор (тармоқ) миқёсидаги ривожланишни ифода этади ва уларда ўсиш яратилган товарлар ва хизматларнинг бозор

нархида ҳисобланган ҳажмига қараб аниқланади. Микроиқтисодий миқёсда тадбиркорлар ўз олдиларига иқтисодий ўсиш орқали максимал даражада фойда олишни қўядилар. Макроиқтисодий ўсиш миллий иқтисодиёт, яъни муайян мамлакат миқёсидаги иқтисодий тараққиётни ифода этади ва ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ) кўпайишини билдиради. Макромиқёсда иқтисодий ўсишга эришишнинг оптимал мақсади барча аҳолини ҳаёт кечиришини яхшилаш, турмуш даражасини кўтаришдир. Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади, чунки ҳар бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулот миқдори, яъни меҳнат унумдорлиги аввалгича қолади. Экстенсив ўсишнинг афзаллиги шундаки, у иқтисодий ўсишни таъминлашнинг энг осон йўли. Бунда табиий ресурсларни тезда ўзлаштириш ҳамда нисбатан тез фурсатда ишсизликни қисқартириш мумкин. Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури янада прогрессивроқ ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенсиалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади.

Мамлакатимиз томонидан сиёсий, иқтисодий, маънавий ислоҳотлар амалга ошириш учун, аҳоли бандлигини йўлга қўйишнинг назарий ва амалий механизмларини ишлаб чиқилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасида минтақалар бўйича меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга ошириш, аҳолини ўсиши омилларини, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва таркибий қайта ташкил этишнинг истиқбол йўналишларини эътиборга олган ҳолда бандликнинг янги шаклларини кенг тадбиқ этиш орқали аҳоли бандлигининг ўсишини таъминлаш каби вазифаларни бажарилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳоли бандлигини ўсишида корхоналарнинг самарали фаолияти жамият иқтисодий ривожининг муҳим омили ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш шароитида корхоналардаги кадрлар сиёсатини инсон омилига қаратилган стратегиясида меҳнатга қодир ҳар бир инсон ўз қобилиятларини ўстириш ва ўз меҳнат тарзини таъминлаши учун шароитлар яратиши назарда тутилади.

Ишсизлик - аҳолининг иқтисодий фаол қисмининг иш тополмагани сабали мамлакатнинг иқтисодиётида туғуладиган муаммодир. Аҳолининг ишга қобилиятли сонидан 6,5-7,5 % ишсизлик табиий ҳисобланади.

Ишсизлик - бир қисм иқтисодий фаол аҳолининг ўзига лойиқ иш топа олмасдан қолиши ва меҳнат захирасига айланиши. Ўзбекистонда ишсизлик тушунчаси расман 1992 й. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши билан меъёрий кучга эга бўлди (1998 й. 1 майда ушбу қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди).

Ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётининг энг катта муаммоларидан бири – табиатда энг ноёб бўлган инсон ресурсидан самарали фойдалана олмасликдир. Оддийроқ қилиб айтганда, ишлаш қобилиятига эга кишиларнинг иш билан таъминланмаслиги ишсизлик деб юритилади.

Ишсизлик бир неча сабабларнинг оқибати сифатида вужудга келади. Уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз:

1. Маълум бир даврда аҳоли сонининг кескин ортиб кетиши. Туғилиш вафот этишга нисбатан анча юқори бўлган мамлакатларда бўшаётган иш ўринларига нисбатан меҳнат бозорига янги кириб келаётган ёшларнинг кўплиги ушбу муаммога сабаб бўлади.

2. Иқтисодий тизимнинг ўзгариши ёки инқироз. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат мулкининг хусусийлаштирилиши натижасида бир нечта йирик корхоналар ёпилганини барчамиз яхши биламиз. Натижада ушбу корхоналарда иш билан банд бўлган кўп сонли инсонлар иш жойларидан ажралишган. Иқтисодий инқироз даврида

ҳам деярли шундай, унда ҳам ишлаб чиқариш обектларининг ёпилиши натижасида ишсизлик кузатилади.

3. Илғор технологиялар. Илм – фаннинг ривожи ва бу соҳа ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши натижасида ҳам ишсизлик вужудга келиши мумкин., Минг дона ғиштни 10 – қаватга олиб чиқиш учун ўнта ишчи ҳам ишлатиш мумкин, битта ишчи ва битта кран ҳам ишлатиш мумкин.

Ишсизликнинг натижасида инсонларнинг даромад олиш манбалари йўқолади ва бу аҳоли турмуш даражасининг пастлашига олиб келади. Бундан ташқари даромадга эга бўлмаган аҳоли бозордаги маҳсулот ва хизматларга талабгор бўла олмайди. Талабнинг йўқолиши эса ўша соҳаларнинг касод бўлишига олиб келади. Масалан, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонанинг беркилиши натижасида ишсиз қолган одамлар аввалгидек, озиқ – овқат, кийим – кечак маҳсулотлари ва турли хил жиҳозлар сотиб ололмайди. Натижада ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи одамларнинг даромадлари ҳам пасаяди, бу жараён занжир шаклида давом этади.

Бундан ташқари ишсизлик ижтимоий салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Етарли таъминотга эга бўлмаган кишилар ўғрилик, талончилик орқали пул топишга ўтадилар. Баъзилар эса, сиёсий ва иқтисодий тузумдан нолишни бошлашади ва бу оммавий норозиликларни келтириб чиқариши мумкин. Аҳолининг маълум бир қисми эса мўмай даромад мақсадида турли хил радикал экстремистик оқимларнинг таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Ишсизлик коррупцияга йўл очиб беради. Яхши даромадли ишга жойлашиш мақсадида одамлар пора беришга ҳам рози бўлишади ва бундан баъзилар ўз манфаати йўлида фойдаланади. Ишсизлик натижасида ўртача иш ҳақининг пастлаши ҳам кузатилиши мумкин. Бир иш жойига бир нечта талабгорнинг мавжудлиги натижасида, иш берувчи ўз шартларини қўйиш имкониятига эга бўлади ва кўп ҳолларда улар ким энг оз иш ҳақига рози бўлса, ўша номзодни ишга қабул қилишади.

Бир қанча салбий тарафларидан ташқари ишсизликнинг ижобий томони ҳам мавжуд. Иш жойига эришиш ёки уни сақлаб қолиш учун кадрлар доимий рақобат муҳитида ҳаракат қилади. Бу эса уларнинг ўз малакаларини доимий тарзда ошириб, ўз устида ишлашларига сабаб бўлади. Малака ошириш-бу билим ва кўникмаларни янгилашдир.

Камбағаллик тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас. Баъзилар камбағаллик деганда инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни-сақлаш) қондиришга имкониятнинг мавжуд эмаслигини тушунса, бошқалар – танлов эркинлигининг етарлича эмаслиги ёки кунига 1,90 доллардан кам миқдорга кун кечиришни, учинчи томон эса –инсоннинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни-сақлаш соҳасидаги тўсиқларнинг доимий доирасини тушунишади. Умумий қараганда, камбағалликни баҳолаш бир нечта аниқ белгиланган кўникма ва усулларни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Gaybullayevna, R. S., & Musurmangulov. (2024). THE IMPORTANCE OF TIME MANAGEMENT IN ENSURING EFFICIENCY IN CONSTRUCTION. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, *3*(1), 28–31.

2. Gaybullayevna, R. S. (2023). THE STATE OF THE DIGITAL ECONOMY TODAY: PROBLEMS AND SOLUTIONS. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, *2*(12), 38-42.

3. Sharifa, R., & Ilyos, T. (2023). PRINCIPLES OF SCIENTIFIC MANAGEMENT IN MANAGEMENT. *Новости образования: исследование в XXI веке*, *2*(16), 1097-1100.

4. Sharifa, R., & Sayyora, M. (2023). HISTORY OF EMERGENCE OF MANAGEMENT AND ITS PLACE TODAY. *Новости образования: исследование в XXI веке*, *2*(16), 1093-1096.

5. Sharifa, R. (2023). DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS IN REGIONS. *Новости образования: исследование в XXI веке*, *2*(16), 1088-1092.

6. Sharifa, R., & Nozima, T. (2023). QUALITY MANAGEMENT IN COMPETITIVE CONDITIONS IS THE MAIN FACTOR OF ENTERPRISE SUCCESS. *SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM*, *2*(20), 200-203.

7. Sharifa, R., & Mahliyo, K. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF ENTERPRISES AND THEIR APPEARANCES. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, *2*(5), 77-83.